

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 3 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI 9-14

Шухрат Эргашев

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ 15-23

Касимова Шахноза Алишеровна

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ 24-29

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Файзиева Ширин Шодмоновна

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ 30-35

Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ
МАСАЛАЛАР 36-41

Murodova Nargiza Utkirovna

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI 42-47

Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ 48-55

Temirova Feruza Sagdullayevna

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH 56-62

Sobirova Marhabo Haitovna

МЕВА-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH
YO'LLARI 63-67

Mamajonova Gulasal Oribjon qizi

KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI 68-77

Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ
БОШҚАРИШ SAMARADORLIGINI OSHIRISH 78-87

Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ 88-101

Каржавова Хуршида Абдумаликовна
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ
АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ 102-110

Soliyev Dilmurod Jamolovich
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING
ASOSIDIR 111-119

Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH
MASALALARI 120-130

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Тўраев Шавкат Нишонович
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ 131-137

Qodirov Davronbek Hoshimovich
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY 138-143

Sharipov Dilshod Baxshilloevich
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI 144-148

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Гаппаров Алибек Қаршибоевич
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ 149-155

Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quadratillayevna
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND
AND VISUALLY IMPAIRED 156-161

Ахмедшина Лилия Рафаэлевна
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ 162-166

Kholmuminova Makhliyo
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES 167-171

Shirinova Yekaterina
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI 172-178

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Қутлымуратов Фарҳад Қалбаевич

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ 179-185

Kasimov Nodirjon Sodikjonovich

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY
XUSUSIYATLARI 186-196

Урманбаева Ферузахон Саттаровна

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ 197-203

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR
TAHLILI) 204-210

Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI 211-217

Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA
TARBIYALASH 218-223

Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ 224-229

Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISH 230-236

Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES 237-244

Yusupov Dilmurod Abdurashidovich

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH 245-254

Ergashev Omonboy Turgunbayevich

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA
PEDAGOGIK ASOSLARI 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabjanovna</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i> К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	297-301

12.00.00 – Юридик фанлар

Урманбаева Ферузахон Саттаровна
ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифалари, васийлик ва ҳомийликка оид қонунчилик, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, васийлик ва ҳомийликнинг зарурияти ва моҳиятига оид масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, Ҳ.Р. Раҳмонқуловнинг, Н.А. Ашурова, Ф.М. Отахўжаев каби олимларнинг васийлик ва ҳомийликка оид фикрлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқ нормалари, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик-ҳуқуқий институт, васийлик, ҳомийлик, васийлик ва ҳомийлик институтлари, Фуқаролик кодекси, Оила Кодекси.

Урманбаева Ферузахон Саттаровна
Независимый исследователь ТГЮУ

НЕОБХОДИМОСТЬ И СУЩНОСТЬ ОПЕКИ И ПАТРОНАТА

Аннотация. В данной статье рассматриваются обязанности органов опеки и попечительства, законодательство об опеке и попечительстве, права и интересы лиц, находящихся под опекой и попечительством, необходимость и сущность опеки и попечительства. Также упоминаются мнения Х. Р. Рахмонкулова, Н. А. Ашуровой и Ф. М. Отаходжаева об опеке и патронате.

Ключевые слова: Правовые нормы, гражданское право, семейное право, гражданско-правовой институт, опека, попечительство, органы опеки и попечительства, Гражданский кодекс, Семейный кодекс.

Urmanbayeva Feruzahon Sattarovna
Independent researcher at TSUL

THE NECESSITY AND ESSENCE OF GUARDIANSHIP

Abstract. This article discusses the duties of guardianship and guardianship authorities, legislation on guardianship and guardianship, the rights and interests of persons under guardianship and guardianship, the need and essence of guardianship and guardianship. The opinions of Kh. R. Rakhmonkulov, N. A. Ashurova and F. M. Otakhodzhaev about guardianship and patronage are also mentioned.

Keywords: Legal norms, civil law, family law, civil law institution, guardianship, guardianship, body of guardianship and guardianship, Civil Code, Family Code.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N26>

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли тизимини таъминлаш ҳисобланади. Бунда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини социал жиҳатдан таъминлаш чоралари белгилаш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида ўрин тутди. Маълумки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бевосита уларнинг ота-оналари томонидан амалга оширилади ва ота-оналар қонуний вакиллар сифатида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар номидан битим ва шартномалар тузиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавоб бериш каби вазифаларни бажарадилар. Бироқ вояга етмаганларнинг ота-оналари бўлмайдиган бўлса, уларга нисбатан васий ва ҳомий тайинланиши ва унга нисбатан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш вазифаларини белгилаш лозим бўлади.

Васий ва ҳомийнинг вазифалари энг аввало вояга етмаган шахснинг баркамол инсон сифатида камол топиши, вояга етгач ўзининг ҳуқуқларини амалга ошира олишга тайёр бўлишига қаратилиши лозим. Бир қатор мутахассисларнинг қайд этишича, васийлик ва ҳомийлик бугунги кунда вояга етмаганларнинг моддий таъминоти, уларнинг мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда ҳам васийлик ва ҳомийлик масаласи ва мазкур институт билан боғлиқ қоидалар амалдаги қонунчиликда мустаҳкамланган. Энг аввало васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида 64-моддаси 2-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Васийлик ва ҳомийликка оид қоидаларни назарда тутувчи навбатдаги қонун ҳужжати бу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидир. Мазкур кодекснинг 32-моддаси 1-қисмига биноан, васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ўзлари мустақил ҳимоя қилишга қийналадиган ёки эплай олмайдиган фуқароларни ҳимоя қилиш усулидир. Вояга етмаганлар учун эса васийлик ва ҳомийлик уларни оилада тарбияланиши учун имкониятдир. Умуман олганда эса, васийлик ва ҳомийлик таркибига фуқаролик, оила, маъмурий ҳуқуқ қоидаларини олган комплекс ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ҳар бир шахс қонун билан тақиқланмаган, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда иштирок этиши ва бундай муносабатлар бўйича тегишли ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятлар олиш имкониятига эга. Лекин ҳамма фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини бажаришни шахсан ўзлари мустақил равишда амалга

ошириш лаёқатига эга эмас, бунга уларнинг муомала лаёқати чекланганлиги ёки улар умуман муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бундай фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик институти давлат томонидан ўрнатилган [1].

Дарҳақиқат, васийлик ва ҳомийлик вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд муомала лаёқати чекланмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш воситаси сифатида давлат томонидан ўрнатилган восита бўлиб, шу орқали давлат мазкур тоифадаги фуқароларни ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш функциясини амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, адабиётлар васийлик ва ҳомийлик асосан оилави-ҳуқуқий институт эканлиги қайд этилади. Бироқ мазкур институт ўзининг моҳиятига кўра, бир вақтнинг ўзида оила, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқий институт эканлиги бир қатор мутахассислар томонидан эътироф этилган [2].

Васийлик ва ҳомийлик институти кўпроқ фуқаролик, оила ва айрим ҳолларда маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади. Лекин айрим давлатлар васийлик ва ҳомийлик институтидан воз кечган. Австрия ва Германияда бу институт ўрнига вакиллик қўлланилмоқда [3].

Бир қатор мутахассислар ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда васийлар ва ҳомийлар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланишига муҳтож бўлган вояга етмаганларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадидаги, ҳомийликнинг барча кўринишларини ўз ичига олган оила ва фуқаролик ҳуқуқининг комплекс бўлимидир, деган фикрга келишади [4]. Н.А.Ашурованинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик оила ва фуқаролик ҳуқуқининггина эмас, маъмурий ҳуқуқ тизимининг ҳам таркибий қисмидир [5].

Мазкур фикрлар асосли эканлигини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида васийлик ва ҳомийлик оид энг муҳим ва асосий қоидалари белгиланган. Хусусан ОКнинг 173-моддасига биноан, васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Зеро, муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкӣ ҳуқуқларини қўриқлаш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади [6].

Қоидага кўра, васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс – ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, руҳий касал ва ақли заифлар номидан васий сифатида ҳаракат қилади ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради.

Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек уларни учинчи шахсларнинг баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан, кўзи ожиз (кўрлик), майиблик сабабли ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам

белгиланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқлар олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат.

Боланинг ота-онаси олти ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда, агар боланинг манфатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади [7].

Васийлик ёки ҳомийлик ота-она вафот этганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, улар касал бўлганда, ота-она узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбиялаш, даволаш муассасалари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасадаги ўзининг боласини олишдан бош тортганда, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда, шунингдек, вояга етган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш мақсадида, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Саломатлиги ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларнинг илтимосларига биноан, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларга нисбатан ҳомийлик белгиланиши мумкин.

Ф.М.Отахўжаев турли сабабларга кўра ота-она тарбиясидан ва унинг таъминотидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни оилавий тарбияга яқин бўлган тарбияни таъминлайдиган воситалардан бири васийлик ва ҳомийликдир [8].

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оила қонунчилигида ҳам, вояга етмаган болалар бир қатор мулкӣ ва шахсий-номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиб, ушбу ҳуқуқлар қонун асосида ҳимоя қилинади ва кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида “фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деб белгилаб қўйилган. Давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради. Албатта, Асосий қомусимизда ушбу нормаларнинг мавжудлиги бошқа қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади [9].

Мазкур қонунлар вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини умумий жиҳатдан ҳимоя қилишга оид қоидаларни белгилаш билан бирга, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқӣ усул ва воситаларини ҳам назарда тутди. Бунда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийлик институтининг мақсад ва вазифалари, уни тайинлаш тартиби билан бирга, васийлик ва ҳомийликни юритишга оид алоҳида қоидаларнинг белгиланганлиги, васийлик ва ҳомийликнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги энг мақбул ва самарали усул эканлигини кўрсатади [10].

Хуқуқшунос мутахассислар васийлик ва ҳомийликнинг моҳиятига тўхталиб ўтиб, мазкур институтнинг энг муҳим жиҳати вояга етмаганларнинг манфаатлари учун энг мақбул ҳуқуқий механизм эканлигини эътироф этишади.

Васийлик ва ҳомийлик белгиланиши орқали фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишдаги муйян “тўсқинликлар” барҳам топади ва унинг муомала лаёқатига хос бўлган айрим жиҳатлар намоён бўлади. Масалан, васий ёки ҳомий томонидан амалга оширилган битим юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар васийлик ва ҳомийлик остидаги шахсда вужудга келади. Хусусан, васий томонидан сотиб олинган буюмга нисбатан мулк ҳуқуқи вояга етмаган шахсда бўлади.

Васий ва ҳомий нафақат юридик ҳаракатларни, балки васийлик ва ҳомийлик остидаги шахснинг манфаатларидан келиб чиқиб фактик ҳаракатларни ҳам амалга оширадики, бу ҳолат унинг ҳаракатлари нафақат вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг мулк ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилганлигини балки, унинг ижтимоий нуқтаи назардан ҳимоялашни ҳам назарда тутди. Бу эса васийлик ва ҳомийликнинг туб моҳияти давлатнинг ижтимоий ҳимоя функциясига йўналтирилганлигини кўрсатади ва ижтимоий ҳимояланган демократик бозор қонуниятларини ривожлантириш тенденциясига тўлиқ мос келади. Васийлик ва ҳомийликнинг бугунги кунда моҳиятини фақат вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсизларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишдан иборат деб ҳисоблаш, тўғри бўлмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, бозор муносабатлари шароитида васий ва ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, уларга тегишли тадбиркорлик тузилмаларини бошқариши, уларнинг қимматли қоғозлари билан боғлиқ операцияларини амалга ошириш ҳам мумкин ва бу ҳолатлар ҳам васийлик ва ҳомийлик институтининг функцияларига кириши лозим ҳам қонунчиликда ҳам айнан мазкур жиҳатлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, васийлик ва ҳомийлик институтининг моҳияти бугунги ижтимоий-иқтисодий воқеъликлардан келиб чиқиб ўзгартирилиши ва замонавий ҳуқуқий воситалар билан ривожлантирилиши зарур.

Л.Ю.Михееванинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик ижтимоий ғамхўрликнинг тури сифатида ўзида вақтинча универсал индивидуал жойлаштириш шаклини ифодалайди ва қуйидагиларда намоён бўлади: 1) турли соҳавий мансубликка эга нормалар билан тартибга солинади; 2) васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс муомала лаёқатининг етишмаган қисмини тўлдириш учун, шунингдек, зарурий ҳолларда, уларнинг бошқа манфаатлари (масалан, болаларга тайинланган васийлик ва ҳомийликнинг қўшимча вазифаси – уларни тарбиялаш ҳисобланади) таъминлаш учун тайинланади; 3) васий (ҳомий)нинг васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс манфаатлари учун юридик ёки фактик ҳаракатларни бажаришни назарда тутди; 4) васий (ҳомий) томонидан текинга ёки васийликдаги шахс, давлат ёки бошқа шахслар томонидан муқобил шартлар асосида амалга оширилади; 5) умумдавлат аҳамиятидаги вазифани ҳал этади, шу боис унинг тайинланиши ва лозим даражада амалга оширилиши давлат ҳокимияти органларининг ташкилий ва назорат фаолияти билан таъминланиши лозим [11].

Ю.В Ускова ижтимоий ёки бошқа муассасага жойлаштиришдан фарқли равишда васийлик (ҳомийлик) васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳар бир шахсга индивидуал

“ёрдамчи” бириктиришни назарда тутати. Васий (ҳомий) васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс билан узоқ вақт бирга яшаши, унга кўп эътибор бериш ва ғамхўрлигидан келиб чиқиб, жойлаштиришнинг ушбу шакли бошқаларга қараганда афзал ҳисобланади [12].

В.А.Цветков “васийлик” ва “ҳомийлик” атамалари бугунги кунда юридик муомалада турли маъноларда фойдаланилади. Васийлик деганда, нафақат жисмоний шахс томонидан амалга оширилаётган ғамхўрлик тушунилади, балки вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз шахсларнинг махсус тиббий ёки ижтимоий муассасада бўлишини ҳам тушунилади [13].

Васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти айнан ўз васийлигидаги ва ҳомийлигидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилишни назарда тутати. Шу сабабдан васий ва ҳомийларнинг ўз васийлигидаги ва ҳомийлигидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти, жумладан, судларда ҳам, бирон ишончнома ёки бошқа махсус ваколат берилишини талаб этмайди. Масалан, муомалага лаёқатсиз ёки муомила лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини судларда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) ҳимоя қилади (ЎЗР ФПК 51-моддаси) ёки бунга кўмаклашади [14].

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик ота-онасиз қолган ёки уларнинг ёрдамидан, ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан иборат. Бундай воситадан асосан болаларнинг ота-оналари вафот этганда ёки суд томонидан ўлган деб эълон қилинганда (ФКнинг 36-моддаси) ёки бедарак йўқолган деб топилганда (ФКнинг 34-моддаси), суд томонидан улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда (ФКнинг 30-моддаси), ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолларда (Оила кодексининг 79-80-моддалари) фойдаланилади [15].

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш йўли билан ўз вақтида Д.И.Мейер васийлик ва ҳомийликнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берган эди:

1. Васийнинг васийликдаги шахс билан муносабатлари мулкӣ ва шахсий алоқалар билан боғлиқ. Васийга васийликдаги шахсга нисбатан ота-онанинг ўз боласига нисбатан ҳокимият ҳуқуқи тегишли бўлади ва васийнинг васийликдаги боланинг шахсига нисбатан бевосита мажбурияти – унга тарбия бериш ҳисобланади.

2. Васийликдаги шахснинг мол-мулкига нисбатан муносабат васийликдаги шахснинг вакили сифатида ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқларини ифода этади. Бунда биринчи навбатда, васийликдаги шахснинг мол-мулкани унинг эҳтиёжлари учун сарфлаш, шунингдек унинг мол-мулкани сақлашга эътибор қаратилади.

3. Васийнинг учинчи шахсга нисбатан муносабати бир томондан васийликдаги шахсга нисбатан ҳукмронлик ҳуқуқига эга субъект сифатидаги, иккинчи томондан васийнинг васийликдаги шахс қонуний вакили сифатидаги мақомидан келиб чиқади.

4. Васийлик бир эмас, бир нечта васий томонидан ифодаланганда ва баъзан васий билан бирга, ҳомий ҳам тайинланганда, васийлар ўртаси, шунингдек васий ва ҳомий ўртасида муносабат юзага келади.

5. Васийнинг васийлик идораси билан муносабати. Бу ҳолда васий васийлик идорасининг назоратида бўлади ва ундан тпошириқ, фармойишлар олади [16].

Юқорида фикрларни умумлаштириб, васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти васийликдаги шахсга нисбатан ота-она ғамхўрлигини босиш мақсадида, давлат томонидан белгиланган тартибот асосида тегишли шахс томонидан ваколатли органларнинг бевосита тайинлаши ва назорати остида амалга ошириладиган, ижтимоий ғамхўрликка муҳтож шахсларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, уларни тарбиялаш ва моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос алоҳида шакли эканлиги билан белгиланиши, таъкидлаш лозим.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2008.
2. Юлдашева Ш. Васийлик ва ҳомийлик институтлари // Ёш олимлар илмий тўплами. - №1. -Тошкент: ТДЮИ, 2002.
3. Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. –Тошкент, Фан, 2000.
4. Ершова Н.М. Опекa и попечительство, усыновление. -М.: Юр.лит. 1984.
5. Ашурова Н.А. Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. – Тошкент: ТДЮИ, 2012.
6. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009.
7. Юлдашева Ш. Васийлик ва ҳомийлик институтлари.// Ёш олимлар илмий тўплами. №1. -Тошкент: ТДЮИ, 2002.
8. Отахўжаев Ф.М. Оила ҳуқуқ. –Тошкент, ТДЮИ, 2005.
9. Дадабоева Ж.А. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. номз. дис....Автореф. –Тошкент: 2011.
10. Фарзандликка олиш: уни суд тартибида амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари // Ҳуқуқ ва бурч. 2013.
11. Михеева Л.Ю. Проблемы правового регулирования отношений в сфере опеки и попечительства: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Томск: 2003. – 17 с.
12. Ускова Ю.В. Некоторые аспекты и проблемы установления опеки (попечительства) в российском законодательстве // Научный журнал КубГАУ, №100(06), 2014. – 25 с.
13. Цветков В.А. Многоаспектность понятия опеки и попечительства // Вестник Омского юридического института. 2012. № 1 (18). – С. 18.
14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Тошкент: «Vektor-Press», 2010. - 123 б.
15. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2008.
16. Мейер Д.И. Русское гражданское право. Ч. 2. По исправленному и дополненному 8-му изд.; 1902. М.: Статут (в серии «Классика российской цивилистики»), 1997. – С. 400-405.



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 3 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).